

349 - عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَبْرُرُ الْبَرِّ: أَنْ يَصِلَّ
الرَّجُلُ وُدًّا أَيِّهِ».

وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ دِينَارٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَجُلًا مِنَ الْأَعْرَابِ لَقِيَهُ بِطَرِيقِ
مَكَّةَ، فَسَلَّمَ عَلَيْهِ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ، وَحَمَلَهُ عَلَى حِمَارٍ كَانَ يَكْبُهُ، وَأَعْطَاهُ عِمَامَةً كَانَتْ عَلَى رَأْسِهِ،
فَقَالَ ابْنُ دِينَارٍ: فَقُلْنَا لَهُ: أَصْلَحْكَ اللَّهُ، إِنَّهُمُ الْأَعْرَابُ، وَإِنَّهُمْ يَرْضَوْنَ بِالْبَيْسِيرِ! فَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ
عُمَرَ: إِنَّ أَبَا هَذَا كَانَ وُدًّا لِعُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، وَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ
وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِنَّ أَبَرَّ الْبَرِّ: صِلَةُ الْوَلَدِ أَهْلَ وُدًّا أَيِّهِ».

وَفِي رِوَايَةٍ عَنِ ابْنِ دِينَارٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ: أَنَّهُ كَانَ إِذَا خَرَجَ إِلَى مَكَّةَ كَانَ لَهُ حِمَارٌ يَتَرَوَّحُ عَلَيْهِ إِذَا مَلَّ
مُكْبُوبَ الرَّاحِلَةِ، وَعِمَامَةً يَسْدُدُ بِهَا رَأْسَهُ، فَبَيْنَا هُوَ يَوْمًا عَلَى ذَلِكَ الْحِمَارِ؛ إِذْ مَرَّ بِهِ أَعْرَابِيٌّ، فَقَالَ:
أَلَسْتَ ابْنَ فُلَانِ بْنِ فُلَانٍ؟ قَالَ: بَلَى، فَأَعْطَاهُ الْحِمَارَ، فَقَالَ: أَكْبِرْ هَذَا، وَ[أَعْطَاهُ] الْعِمَامَةَ قَالَ:
اسْدُدْ بِهَا رَأْسَكَ، فَقَالَ لَهُ بَعْضُ أَصْحَابِهِ: غَفَرَ اللَّهُ لَكَ؛ أَعْطَيْتَ هَذَا الْأَعْرَابِيَّ حِمَارًا كُنْتَ تَرَوَّحُ
عَلَيْهِ، وَعِمَامَةً كُنْتَ تَسْدُدُ بِهَا رَأْسَكَ؟! فَقَالَ: إِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِنَّ
مِنْ أَبَرِّ الْبَرِّ: صِلَةُ الرَّجُلِ أَهْلَ وُدًّا أَيِّهِ بَعْدَ أَنْ يُولَّي» وَإِنَّ أَبَاهُ كَانَ صَدِيقًا لِعُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، رَوَى
هَذِهِ الرِّوَايَاتِ كُلَّهَا مُسْلِمٌ. [13، 12، 2552/11].

349. Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Яхшиликларнинг энг яхшиси - киши отасининг яқин дўстларига силаи раҳм қилишидир**», дедилар».

Абдуллоҳ ибн Динордан ривоят қилинади:

«Абдуллоҳ ибн Умар Макканинг йўлида бир аъробийни учратиб, унга салом берди ва уни ўзи миниб юрадиган эшагига миндириб, бошидаги салласини ҳам унга берди. Биз унга: «Аллоҳ сизни саломат қилсин! Улар аъробийларку, озгина нарсага ҳам рози бўлаверишади», деган эдик, Абдуллоҳ: «Бунинг отаси (отам) Умар ибн Хаттобнинг суюкли дўсти эди. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Яхшиликларнинг энг яхшиси - фарзанд отасининг яқин дўстларига силаи раҳм қилишидир**», деганларини эшитганман», деди».

Ибн Динордан ривоят қилинади:

«Абдуллоҳ ибн Умар қачон Макка томонга чиқса, тuya миниб чарчаганда дам олиш учун миниб турадиган эшаги ва бошига боғлайдиган салласи бўлар эди. Бир куни ўша эшагини миниб кетаётган эди, олдидан бир аъробий ўтиб қолди. Шунда: «Сен Фалончининг ўғли Фалончининг ўғли эмасмисан?» деди. У: «Ҳа, шундай», деди. Ибн Умар унга эшакни бериб, «Бунга миниб ол», деди, сўнг саллани бериб, «Буни бошингга ўраб ол», деди.

Шерикларидан бири унга: «Аллоҳ сизни мағфират қилсин! Чарчаганда миниб турадиган эшагингизни, бошингизга ўрайдиган саллангизни мана шу аъробийга бердингиз-а?» деган эди, «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Яхшиликларнинг энг яхшиси - киши отаси ўтганидан кейин унинг дўстларига силаи раҳм қилишидир**», деганларини эшитганман. Унинг отаси (отам) Умарнинг дўсти эди», деди».

Бу ривоятларнинг барчасини Имом Муслим ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ўта илмли саҳобалардан бўлган машхур саҳобий Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига амал қилишда ҳаммага ўрнак бўладиган даражада эдилар. У киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан содир бўлган амалларнинг ҳар бир катта-кичикига ўта аникдик билан эргашар эдилар.

Ана ўша зот Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Албатта, яхшиликларнинг яхшилиги бола отасининг оғайнисига сила қилишидир»

деган сўзларига амал қилиб оталари Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхунинг аъробий дўсти ўғлига ҳурмат-эҳтиром кўрсатган эканлар.

Эътибор берайлик-а, дўстнинг ўзига эмас, дўстнинг ўғлига. Эътибор берилганда ҳам бирга кетаётган ҳамроҳлар ажабланадиган ва сабри чидамай танбех берадиган нарсага эътибор берилган.

Бундан нафақат отанинг ўзига яқин қориндошларига, балки унинг оғайниларига ҳам яхшилик қилиш фарзанднинг бурчи эканлиги чиқади.

Манба: hadis.islom.uz

